

ОШКЕНТ ОҚШОМ



ДАВР САДОСИ
 Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида мамлакат ҳуқуқи муҳфаза қилувчи идоралари мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳам таъминланган ва кўп боали оилаларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширувларнинг натижалари муҳокама қилинди.
- Наманган вилоятининг Тўрақўрган туманида янги ўғит тури — биологик азотни ишлаб чиқариш бўйича корхонани ишга туриши-созлаш юмушлари бошланди.
- Андижон вилояти ва Қирғизистон Республикаси чегарасида жойлашган Қорасув шаҳрида янги улгуржи санат маҳсулотлари бозори фаолият бошлади.
- Фарғона туманида Аёллар йилига бағишланган спартакиада бўлиб ўтди.
- Наманган шаҳрида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва кизлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати баҳслари бошланди.
- Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида ғўзанинг Австралия навиани экишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.
- «Ўзбекгоғоз» акционерлик жамияти франциялик шериклар билан ҳамкорликда май ойи бошларида Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикасининг тугалланмаган қурилиши негизда шахта целлюлозасини ишлаб чиқариш бўйича корхонани ташкил этиш лойиҳасини амалга оширишни бошлади.
- Тошкентда Давлат матбуот қўмитаси корхона ва ташкилотлари фаолларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг ўн туртинчи сессиясидаги маърузасида илгари сурилган вазифаларни бажаришга бағишланган йилгилиши бўлиб ўтди.
- Ангрен шаҳрида Аёллар йилига бағишланган «Аёл ва жамият» мавзусидаги анжуман ўтказилди.
- Нукусда аэропортнинг барча замонавий талабларга жавоб берувчи янги беш қаватли маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.
- Бухорода машина-трактор парклари фаолияти ва техниканинг галла йғим-теримига тайёрлиги масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.
- Хўжаободдаги трикотаж фабрикаси негизда «Хўжаобод — Дзин-Ду» Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонасини барпо этишга қарор қилинди.
- Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бағишланган рангли суратли альбом нашр этилди.
- Тошкент давлат консерваторияси халқ чолғу-асбоблари кафедрасининг ташкил этилганга 50 йил тўлиши муносабати билан ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрларининг фестивали ўтказилди.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 50 (9.242) 1999 йил 3 май, душанба Сотувда эркин нархда



Спорт — тинчлик элчиси


ШОҶСУПА ТЎРИДА — ЎЗБЕКИСТОН ПОЛВОНЛАРИ

фахрий президенти Ислам Каримов очилди.
 — Азиз спортчилар ва қадрли меҳмонлар, — дедилар жумладан Юртбошимиз барча иштирокчиларни табриклар эканлар. — Авваломбор жаҳоннинг бешта китъасидан ташриф буюрган полвонларни ўзбек заминиде муборакбод этаман. Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг Тошкентда ўтаётганининг биз учун аҳамияти катта. Зеро, ҳақиқатан ҳам бизнинг курашимизда миллатимиз руҳияти — мардлик, жасурлик, бағрикенглик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган. Бу қадимий заминда туғилиб ўсган Афросиёб, Пахлавон Маҳмуд, Алп Эр Тўнга, Алломшиш каби кураги ерга тегмаган пахлавонлар курашимиз доверугини оламга таратганлар. Бугун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, миллий курашимизнинг жаҳон майдонига чиқиши барчамизни қувонтиради.

Муртазов билан ўзаро куч синашди. Юртдошимиз ажойиб усуллар қўлаб, ишқибозларнинг тинимсиз қарсақлари остида соф ғалабани кўлга киритди.
 Айнисқа, дзюдо бўйича Осиё чемпиони, жаҳон биринчилиги совриндори, Атланта олимпиадасида қатнашчиси бўлмиш тошкентлик Камол полвон Муродовнинг Арсен Геворкян (Арманистон) билан беллашуви шиддатли кечди. Чақдот хамюртимиз 57 сониядаёқ халол усулни қўлаб соф ғалабага эришди. Кизиги шундаки, ушбу баҳсдан кейин ишқибозлар кетма-кет «яшин» тегилгидеги ғалабаларнинг гувоҳи бўлишди. Жумладан, кейинги учрашувда Ивор Деллахай Самуэл (Буюк Британия) Бурхон

тондан қатнашган барча тўртта полвонга тенг келадиган рақиблар топилмади. Бронза нишонлари ҳам ўзбекистонлик Баҳром Авазов ва Шуҳрат Хўжаевларга насиб этди.
 Сўнг навбат 73 килограммгача бўлган полвонларга етди. Ушбу вазнда ҳам жаҳон чемпиони, кўплаб халқаро турнирлар ғолиби Ақобир Курбонов ва бир нечта халқаро нуфузли мусобақалар ғолиби, Осиё чемпиони Маҳтумқули Маҳмудов каби ўзбекистонлик полвонларга муносиб рақиблар топилмади. Улар деярли барча беллашувларда соф ғалабаларга эришди, ҳақли равишда финалга йўланма олишди. Хар икки полвонимиз бир-бирига муносиб рақиб бўлгани учун ҳал қилувчи баҳс мурасоси кеч-

чемпионати эса Термизда ўтказиладиган бўлди. Конгресс қарорига кўра энгил вазндарда беллашган полвонларга ўз хошияига кўра мутлак чемпионлик учун кураш олиб боришга ҳам руҳсат берилди.
 Кеча «ЖАР» спорт марказида мутлак вазндаги полвонлар ўртасида чемпионлик учун курашлар бўлиб ўтди. Полвонлар беллашуви ишқибозларда катта кизиктиш уйғотди — ашил уйингоҳнинг ўриндилари ишқибозлар билан лиқ тўлди. Унда Эрон, Бразилия, Голландия, Канада, Чили, Жанубий Корея каби ўн саккиз мамлакат полвонлари ўзаро куч синашган бўлса-да, барибир миллий маросимларда курашиб сўяги қотган атоқли чемпионларимиз — Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирининг икки қарра ғолиби Тоштемур Мухаммадиев ва самбо кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, кураш бўйича мамлакатнинг мутлак ғолиби, Ҳаким ат-Термизий турнирида Президент соврини соҳиби бўлган Эрали Маҳмарасуловларнинг маҳорат бобида бошқалардан устун эканлиги яққол сезилиб турди. Зеро, улар деярли барча учрашувларда соф ғалабаларга эришиб финалга етиб келишди.



Ўтган йили халқаро кураш ассоциациясининг таъсис конгресси бўлиб, унда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг май ойида Тошкентда ўтказишга қарор қилинганидан сўнг биз бу кунларни ярим йилдан ортиқроқ вақт орзиқиб кутдик. Ушбу вақт ичида юртимизнинг энг дондор ва маҳоратли полвонлари, спортчимиз мутасаддилари нуфузли мусобақаларнинг кўнгалдагидаги ўтиши учун катта тайёргарлик ишларини амалга оширдилар. Ушунг натижаларидан эса республикамиздаги барча спорт ишқибозлари, кураш заминидеги миллионлаб талентомошбиларнинг ўзлари бевосита шохид бўлиб, ўзбек миллий курашининг жозибасидан олам-олам завқ олдилар.




(Тожикистон)ни 14 сония ичида, молдовалик Виктор Флореско эса латвиялик рақибининг курагини атиги 8 сонияда ерга теккизиб соф ғалабаларга эришишди.

Шу тарика Камол Муродов ва Атланта олимпиадасининг кумуш совриндори Армен Багдасаровлар барча рақибларини доғда қолдириб финал беллашувига етиб келишди. Эски рақиблар учрашувиде бу гал омад Камол полвонга кўлиб боқиб жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди. Чунончи, келаси йилда Осиё чемпионати Козогистонда, Европа чемпионати — Литвада, жаҳон

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида Халқаро кураш ассоциациясининг иккинчи конгресси бўлиб ўтди. Унда кўпгина масалалар қатори кейинги чемпионатлар ўтказиладиган мамлакатлар ҳам кўриб чиқилди. Чунончи, келаси йилда Осиё чемпионати Козогистонда, Европа чемпионати — Литвада, жаҳон

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида Халқаро кураш ассоциациясининг иккинчи конгресси бўлиб ўтди. Унда кўпгина масалалар қатори кейинги чемпионатлар ўтказиладиган мамлакатлар ҳам кўриб чиқилди. Чунончи, келаси йилда Осиё чемпионати Козогистонда, Европа чемпионати — Литвада, жаҳон

Ўтган шанба кун «Юнескод» теннис мажмуасининг усти ёпиқ зали жаҳон чемпионатининг очилишидан бир неча соат илгариёқ ишқибозлар билан лиқ тўлди. Йиғилганлар Ф. Ёкубов, М. Раззоқова, А. Ражабов, К. Қаюмов, Г. Эркуллова, Р. Намозов, М. Тоштовлар каби ҳушовоз хонандаларнинг санъатидан баҳраманд бўлишди...



Халқаро мусобақани Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро кураш ассоциациясининг



Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг унутилмас лаҳзалари. Рашид Галиев олган суратлар.

ЖАҲОНДА

- Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шамсуддин Бобохонов Жидда шаҳрида Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд бин Абдулазиз Ол Саудга ишонч ёрлигини топширди.
- Ўзбекистонлик каратэчилар Австралиянинг Брисбен шаҳрида ўтказилган «Гран При» русумидаги халқаро мусобақаларда катта зафар кучдилар. Улар бу ерда 25 та нишонларни кўлга киритган бўлсалар, шундан 14 тасини олтин медаллар ташкил этади.
- 1 майдан бошлаб Қозогистонга келтириладиган автотомобилларнинг боҳжона божларининг ставкалари оширилди.
- Украина ва Словакия армияларининг штаб бошлиқлари инсонпарварлик тадбирларида қатнашиш учун кўшма бўлиманни шакллантириш лозимлиги таклифини билдирдилар.
- Арманистон чўчқ суваринининг йирик табиий захира си бўлиши Севан кўли Ер қураинидаги ҳароратнинг исиши муносабати билан иккига ажралиб кетиши мумкин. Ереванда ўтказилган семинарда мутахассислар шундай фикрни баён қилдилар.
- Москвада тез орада релса юрайдиган автобуслар қатнови йўлга қўйилади. У аср бошида Москванинг чегарасини ташкил этган айланма темир йўл орқали юради. Релсдаги автобуснинг дастлабки шохобчаси 2001 йилда очилади.
- Кеча Байкал — Амур магистралининг 25 йиллиги нишонланди.
- Бугун 3 майда Польша халқи ўз миллий байрами — Конституция кунини кенг нишонлайди.
- Япония бош вазирининг АҚШга ташрифи давом этмокда.
- Даҳо мусаввир Сальвадор Далининг шахсий котиби гўёки расмом томонидан ишланган қалбаки суратларни сотишда айбланиб қамоққа олинди.
- АҚШ Президенти Билл Клинтон қурол-яроғ сотиш қоидаларини қатъий тартибга солишни таклиф қилди.
- Польшанин хуқуқ-тартиб идоралари Рим Папаси Павел II нинг ташрифи олдидан мамлакат ҳудудида ўзига хос «тозалаш» ишларини ўтказдилар. мамлакатдан 453 нафар Украина фуқаролари чиқариб юборилди. Барча чиқариб юборилганлар Украина ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа халқаро суд идораларига шикоят билан мурожаат қилмокчилар.
- Жанубий Африка Республикаси Президенти Нелсон Мандела уч кунлик давлат ташрифи билан Россияга келди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг 1998 йил якунлари ва жамғарма фаолиятининг 1999 — Аёллар йилидаги асосий йўналишлари юзасидан кенгайтирилган бошқаруви йилгилиши бўлиб ўтди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг директорини Гулнора Юнусхўжаева жамғарманинг 1998 йил якунлари ва 1999 — Аёллар йилида амалга оширадиган вазифалари тўғрисида сўзлади. Йилгилишда сўзга чиққанлар давлатимизнинг соғлом авлод камолоти йўлида кўрсатаётган чексиз ғамхўрликлари тўғрисида тўхталиб ва бу борада эришилаётган ижобий жиҳатларни таҳлил қилиб, жойларда жамғарма фаолиятини янада фаоллаштириши, туманлардаги таянч пунктлари ишларини янада кенг қўламада йўлга қўйиш, Аёллар ва оналарнинг саломатлиги йўлида амалга ошириладиган ишлар, жамғарманинг бажарётган ишларини жойларда аҳоли қалбига етказиш сингари долзарб вазифаларга асосий эътиборни қаратдилар.

Йилгилишда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси республика бошқарувининг раиси Гулнора Йўлдошева қатнашди ва сўзга чиқди.

Йилгилишда ташкилий ҳамсалар қўриб чиқилди ҳамда «Соғлом авлод учун» давлат дастурини бажаришда фаол қатнашганлар тақдирланди.

Йилгилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихсатилла Ақромов олиб борди.

Юртбошимизнинг Республикаимиз Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги кенг қаровли маърузаларини эшитган, ўқиган, кузатиб борганлар бугун жаҳонда кечаётган аҳволдан ҳар тарафлама теран хабардор бўлишлари турган гап. Зеро сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида рўй бераётган жараёнларга муносабат, улардан тегишли ҳулосалар чиқара олиш, ҳаётдаги ўз ўрнини ва келажакдаги вазифаларини ҳам тўғри англай билиш етакчи раҳбарлардан ҳам, ҳар бир фуқародан ҳам гоёт чуқур билимдонликни талаб этади. Қолаверса воқеликни англаш, идрок этишнинг ўзи — яшаш учун қамлик қилади, унга қараб тадбир-чоралар кўриш, амалга ошириладиган вазифаларини аниқлаб ҳаётга талбир этиш бугунги жамият, халқ, Ватан тақдирини ҳал этади. Шунинг учун ҳам маърузада бизга ўз тақдирини халқ ва эл-юрти тақдирини билан боғлиқ ҳолда кўрадиган фуқаролар, шахсларни, айниқса бу табақани келажакимиз эгалари бўлиши — ёшлардан этиштиришга энг катта аҳамият берилиши алоҳида ташкилланади.

Кейинги етти-саккиз йил мобайнида буюқ Истиқлолимиз туфайли эришилган ютуқларимиз — саноят, иқтисодиёт, шаҳарсозлик, миллий қадриятларимиз — тарихимиз, анъаналаримиз ва умуман маънавиятимиз борасидаги фаолиятимизни жаҳондаги энг соғдил ва илгор мамлакатларнинг раҳбарлари ҳам, ҳатто айрим бегараз дунёқарашга эга фуқаролардан тортиб, жаҳон миқёсида иш кўрадиган расмий ташкилотлар ҳам тан олгани маълум. Бироқ турли-туман зиддиятлар, воқеалар жараёнида бизнинг Истиқлолимизни кўролмаётган кучлар ҳам борлиги сир эмас... Ҳоҳ бундай тескари кучлар ҳали дунёқарашини, юксак онгли тафаккур нима эканлигини идрок этмайдиган чалғиб юрган ёшларимизга салбий таъсир этаяётганларига бефарқ қаролмаймиз. Ёшларимизни юз фоиз ўзимиз томонда сақлашимиз, ўз Ватанимиз, халқимиз манфаатлари билан боғлиқ эканликларини улар қалбига чуқур синдиришимиз лозим.

Шу ўринда бир мураккаб савол тугилади — нега ёшларимиздан айрим дөвларлар бизга қарши, яъни ўзи тугилиб ўсган, нон-тузи, гўзал водийси, она сутиню ота меҳри гиёсига тажовуз қилишдек тубанликка бориб қолди? Она-Ватан, эл-юрти, отаси бутун борлиги билан улар тақдирини, бахт-саодатини ўйлаб ўқитса, ҳунар ўргатса, истеъодлиларни жаҳондаги энг нуфузли мамлакатларнинг ўқув юртларига юбораятган бўлса, қайтиб келганларини яхши лавозимлар билан таъминлаётган бўлса яна ношукрлар табақаси пайдо бўлса?! Бундай нонқўрлик барча тарихий босқичларда ҳам хонлик деб аталган, ҳатто бобомиз Амир Темур ҳам дунёда энг катта гуноҳ деб ўз ичидан чиққан хонларга нафрат ёдирган, шафқат қилмаган.

1991 йилда буюқ Истиқлол — миллий мустақилликка эришдик. Республикаимиз ва халқимиз тақдирини, мустақил давлатимиз сиёсатини ўзимиз белгиладиган бўлдик. Матбуот, сўз эркинлигидан кўп партиявийликка эркинлик берилди, бу ҳақда саккиз йилдан беш йил неча қарорлар қабул қилинди. Олий Мажлисининг апрель сессиясидаги Юртбошимиз маърузаларида эркинликнинг янада кенгроқ миқёслари аниқ белгилаб берилди.

Сўз, матбуот эркинлиги, мустақиллик сингари гоёт муқаддас ибораларни Шўролар даврида ҳам кўп гапирганмиз. Аммо оддий фуқаро у ёқда турсин — Ўзбекистонда юқори лавозимларда ишлаб турган шахслар ҳам ўз фикрини она тилида — яъни ўзбек тилида айтишга ҳам ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. Ахир она тилинда гапириш учун Москвадан рухсат бўлмаган юрт билан, бутун дунё билан мустақил алоқаларга киришиб кетган юрт ўртасида фарқ борми ўзи? Мустақиллик бизга барча соҳаларда эркинлик берди. Кўп йиллардан беш йилдан юрган энг олий мақсадларимиз, орзу-ҳавасларимиз рўёбга чиқди, янги ҳаёт руҳ ва гайрат билан ишга киришдик. Аммо «чала мулла»лар билан асли нияти қора кимсалар эркинликнинг миясига келган, истаган номатқулчиликни қилавериш деб тушуниди шекилли. Уларга айтадиган гапимиз шуки, чинакам эркинлик истаган номатқулчиликни қилиш эмас, сўз, иш, тақдир, бахти-саодатини эл-юрти билан бирга деб билиш, ҳар бир хатти-ҳаракатида бунга амал қилишни тақозо этади. Бунинг учун жаҳондаги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб туриш, уларни таҳлил қилиш ва тўғри ҳулосалар чиқариш лозим. Ҳаёт тарзи ҳам, тарозиси ҳам шу! Бундан мустақило бўлиш мумкин эмас... Юртбошимиз ҳамини бунга таъкидлаб боришлари бежиз эмас. Аслида ҳам яшаш фикрлашни талаб қилади. Фикрлаш эса, маънавиятни, маънавият эса маърифатни, пок ниятни талаб қилади. Эркинлик, демократия — мана шуларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган — олий даражадаги тафаккурга бориб тақаллади... Йўлдан озган ёшларимизга Юртбошимиз кўллаётган ўта инсоний тадбирнинг натижаларига бир назар ташланг! Нималарни кўраясиз, ўнлаб адашган ёшлар ўз қилмишларига тавба қилиб келмақдалар. Айримлари ота-оналари, бошқа оила аъзолари билан бирга келиб қилмишлари учун кечирим сўрамақдалар, тўғри йўлга бурилмақдалар.

Тавба қилгани кечирини бизнинг муқаддас ҳадисларимизда ҳам таъкидланган, иймон-эътиқодини мустақам ҳукмронларига бунга амал қилади, тарихда бунга мисоллар ҳамини топилган... Бу ҳам аслида энг етук маънавий қиёфанинг шаклланишида тарих, миллий анъаналаримизнинг энг илгор ибратли заминлари бизга абадий кўмак беради. Замонлар ўтган сари ҳаёт кун тартибига чиқариб турадиган муаммоларнинг энг самарали ечимларини ўшаларга ижодий ёндо-

шиш билан топиб борамиз. Маънавий мероснинг бебаҳо хазина сифатидаги биз учун қиммати ҳам аини шу нуқтада намоён бўлади.

XX асрнинг 10—20-йилларида Истиқлол дарди билан ёнган буюқ ёзувчиларимиз — ўша даврда юрти-мизда рўй бераётган ҳунрезликлардан кутулиш учун ёшларимизни ўз ватанлари ва миллатлари манфаатларини ҳимоя қилиш ўзининг жамиятда тутган ўрнини англаш, ҳозирги иборалар билан айтганда ўзигини англаш даражасига кўтариш ҳақида қайтурсанлар. Уларга жаҳон миқёсида тафаккур қилишдек буюқ тушунчани қалбларига жо қилишга интиланлар. Бундай олий мақсадга бошлашнинг энг муҳим нуқтаси сифатида ўзларидан илгари ўтган даҳларимизнинг маънавий меросларини чуқур ўрганиш билан мақсадга эришиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Зеро ер юзидаги бирор буюқ сиймо ўз миллий маънавиятидан, миллий тарихидан юз ўйрган эмас, ўтмишига гоёт ҳурмат ва эҳтиром билан қараган, фақат шу йўл билан келажак тараққиётга эришишни кўзда тутган.

Ўша Истиқлол фидойилари ва маънавий мерос ҳақида. Абдурауф Фитрат ёшларни тарбиялаш ҳақида умри бўйи ғамхўрлик қилган ва жуда кўп асарлар ёзган. Шулардан бири 1924 йилда нашр этилган «Бедил» асари. У шарқнинг улуг фойласуф шоири Бедил маънавиятига таяниб, ўзбек ёшларини гоёт юқори савияли, ҳар томонлама етук зиёилар бўлиб етиштирилиши куйиб-пишиб ўқиради. Ўз фикр-мулоҳазаларини бир саҳифада шундай баён қилади: «Ҳавоси бузилган бу қоронгу зиндонни бузиб, ташқарига, очик ҳавога чиқишимиз керакдир. Бутун табиий кучларни ўзимизга топиндиручи — «Ҳазрати инсон» эканлигимизни билиб, унга кўра ҳаракат қилишимиз лозим».

20-йилларнинг бошлари ўртасида Туркистонда қон тўкиб ўрнатилган коммунистик босқинчиликни — худди ўша даврнинг ўзида «ҳавоси бузуқ», «қоронги зиндон», уни куч билан бузиб, «тоза ҳавога чиқиш», ниҳоят жаҳонга биз ҳам «ҳазрати инсон» эканлигимизни кўрсатишимиз лозим деб хитоб қилиш учун қандай жасорат керак эди? Бу давлатлар буюқ аждодларимизнинг чинакам ватанпарварлик, миллатпарварлик ҳиссиётларидан, ўз тақдирларини ўз халқлари ва юртлари тақдирини билан боғлиқ деб тасаввур этишларидан, ниҳоят уларнинг мустақам иймон ва эътиқодларидан, гоёт теран оламшумул тафаккурларидан қайнаб чиқар эди.

Ёшлар тарбияси, кадрлар етиштириш, лавозимларга танлаш, жой-жойига қўйиш каби фикрларни эсимизни таниганимиздан бери эшитамиз, Президентимиз аини шу мавзуга ҳамини энг кўп эътибор бериб келаятганлари ҳам маълум. Навбатдаги олий анжуманда яна шу масалага энг кўп эътибор жалиб қилинди. Аини шунга тегишли муаммо айлиб бориб таълим-тарбияга тақаллавериши алоҳида таъкидланди. Ҳатто янги XXI асрда ҳам бу ва бошқа соҳаларда қилинадиган ишлар, олимизда турган вазифалар жаҳон миқёсидаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб белгиланди. Зеро фикри аниқ ва тўғри бўлмай туриб йўл ҳам аниқ ва ёруғ бўлмайди-ку?! «Уста кўрмаган шогирд» тарзида ҳар макомга йўрғалаб бугунги дунёда яшаб бўлмайди. Дунё денгиз ва океан тўқилари сингари ҳамини чайқалиб, кўпириб туради. Бу кўлратли тўқилардан узилиб ҳам, улар билан муносабатсиз ҳам яшаб бўлмаганини Юртбошимиз неча марта таъкидлашди. Хуллас фидойи ёшлар, Ватан, миллат, халқ, жамият билан ўз тақдирини боғлиқ эканини тушунадиган кадрлар керак экан, маорифга, маърифатга, иймон-эътиқодга, буларнинг барчаси самараси бўлган маънавиятга биринчи даражада аҳамият беришга мажбуримиз. Яна бир масала. Биз кўпинча кадрлар танлашда аксари унинг ўқиган жойлари, дипломларига эътибор берамиз. Бу умуман рад этиб бўлмайди бир ҳодиса. Лекин неча-неча дипломларга эга бўлиб, маънавиятда умрида диплом кўрмаганлардан паст турганларга қандай баҳо берамиз?! Президентимиз бу ҳақда ҳам жуда жиддий фикр билдирилар. Бу масалани бугун энг долзарб муаммо дейиш мумкин. Зеро бир амалга одам зарур бўлиб қолса, унга тавсия қилиш имкониятига эга бўлган баъзи кимсалар фақат ўзларига шахсан яқин бўлганларни тикиштирадлар. Хўжатлари жойида бўлади. Ниҳоят тайинланади. Лавозимга ўтирган кундан бошлаб боғий тавсиячи ва яна ўзига яқинларга «мадад» беришга киришиб кетади. Вақти келиб, қинғир ишлари фош бўлиб, ҳатто ишдан олиниши у ёқда турсин қамоққа олинганда ҳам уни тавсия қилган «обрўли» киши четда қолаверади. Нега у ўз одами билан бирга жавобгар бўлмадлиги керак?

Ёшларга тарбия беришга даъват этилганларнинг маънавий қиёфаси ҳақида ўйлаш, бу борада буюқ аждодларимизнинг илмий, маданий, адабий, маънавий меросларидан ижодий фойдаланиб иш юритиш — бу масалани ҳал этишда бизга кўмак беради.

Юртбошимизнинг қатор асарлари, чиқишлари, (буларнинг номларини ҳамма билади) шу жумладан яқиндаги Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаларида бу борада кенг қўламли йўл кўрсатилди. Буларнинг ҳаммаси бугунимиз, эртамиз, янги XXI асрда қўядиган қадамларимиз йўлини ёритиб турибди, онгимизга, қалбларимизга, иймон-эътиқодимизга ҳам нур таратиб турибди. Бугунги ўқув юртларида ўзбек адабиёти тарихини аини шулар заминидан ўқитиш ёшларимиз тарбиясида гоёт муҳим маърифий аҳамият касб этса ажаб эмас.

Аҳмад АЛИЕВ.



Пойтахтимизнинг кутлуғ зиёратгоҳлари.



Маънавият

КАМОЛОТ БЕШИГИ

Бектемир туманида маданият, маънавият борасида турли ибратли ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, «Сувчи» даҳаси маркасида жойлашган I-Маданият уйи доимо гавжум. Бу ерда каттаю кичик ўз севган юмуши билан банд бўлади.

— Туманда ўн саккизта тўгарак, олти кутубхона фаолият кўрсатмоқда, — дейди туман маданият ишларини бошқариб келаятган Бувинисо Исмомлова. — Ана шу маънавий масканларимизда асосий эътибор бу йилги Аёллар йилига қаратилган. Аёллар йили муносабати билан «Аёл борки, олам мунаввар», «Аёл — ҳаёт гулшани», «Санъаткор аёл» мавзуларидаги давра суҳбатлари, анжуманлар ҳамда «Иқбол» қизлар кўрик-танловларини кенг қўламли туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказиш йўлга қўйилди.

Туман маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган Зокир Аловуддинов раҳбарлигидаги биргина «Истамбул» бадиий ҳаваскорлик жамоасининг ишлари анчагина диққатга сазовор. Ту-

манда ўтказиладиган ҳар бир тадбир, байрам концертларида улар ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар. Ўтказилаётган тадбир ва тантаналар ўзига хослиги ва жозибаси билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, иланувчан «Саодат» рақс тўғараги раҳбари Саодат Сафиуллина бошчилигидаги рақс тўғараги ҳам рақс санъатига қизиқувчи, иқтидорли қизларнинг рақсинг сир-асрорларини мукамал ўрганишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кутубхоналар ҳам бир одамзотнинг етук қомил инсон бўлиб етишишларида муҳим ўрин эгаллайди. У ердаги «Меҳру муҳаббат тимсоли», «Сиз учун аёллар» мавзуларидаги ранг-баранг китоблар кўргазмаси, кутубхоначилар томонидан уюштирилаётган «Жафокаш аёл», «Сен борсанки, бу олам гўзал», «Аёл — оила негизи» сингари турфа хил мавзулардаги учрашув ва давра суҳбатлари хотин-қизларнинг ораста уй бекаси, меҳрибон она бўлишларида, қайнона-қайнолага ҳамда ўз турмуш ўртоғига нисбатан муомала маданиятида юксак савияга эришишларида дастур бўлаётган, ласак алашмаймиз.

Усмон УСМОНОВ.

Соғлом авлод учун

«САЛОМАТЛИК ЭРТАЛИКЛАРИ»


Шаҳар Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими бошқармалари ташаббуси билан пойтахтимиздаги бошқаруш бўғаларида «Саломатлик эрталиклари» ўтказилди.

— Бу тадбирни ўтказишдан мақсад болаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, — деди Шайхонтоҳур туманидаги 197-болалар боччаси мудираси Нодира Шоматдиева. — Унда болалар кундалик турмушда санитария-гигиена қоидалари

рига риоя этиши, жисмоний тарбия билан турли ўйинлар ёрдамида шуғулланиши театрлаштирилган усулда кўрсатилди. Бу тадбирлар келажак авлодини соғлом, баркамол тарбиялашда муҳим омил бўлади.

Роҳила МИРЗАГАРИЕВА.

Шарқ гурдонлари



● Қозонга яқин юрсанг қораси юқар, деб бежиз айтмаганлар. Шунинг учун доимо яхши кишилар билан суҳбатдош бўл, бебош ва ножинс кишилар суҳбатидан парҳез қил! Назм:

*Ножинс кишилардан айлагин парҳез,
Сахийлар кўйида мангил тут ҳар кез.
Паст билан паст бўлмас, ёмон-ла, ёмон,
Яхшидан яхши-ю, мародан қаҳрамон!*

● Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, у ҳам қаноат лаззатидир. Қаноатли киши роҳатда яшаши билан бирга, бошқа кишиларга ҳам яхши муомалада бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодлик сари етаклайди. Бошқалар ҳам қаноатли кишини ҳурмат қилади.

● ҲИКОЯТ. Бир оқил йигит ҳақида ҳикоя қилишларича, у дўстлари билан ҳамини уфлат, улар билан доимо ҳамдаму ҳамсуҳбат экан. Йигит ўз дўстларидан меҳрибонлигини ҳеч вақт дариг тутмас экан. Тилида эса кўйидаги шеърни тараннум қилгани қилган экан:

*Бугун кўлда бор экан йигитликнинг даврони,
Ғайрат қил, отримасин сендан ҳеч кимнинг жони!
Яхшиликнинг баҳори доим бир хил турмайди,
Бир кун нуқсон етару пайдо бўлар хазони!*

Унинг ширин хулқи туфайли барча киши унинг ҳузурда бандалик камарини боғлаб, хизматида хо-зиру нозир экан:

*Гўзал юзларга агар чироили хулқ бўлса ёр,
Қайга қадам кўймасин, халқдир унга талабгор!*

ХУРРАМИЙ.

● Билгинки, душман насихатига қараб иш тутмоқ хато, аммо нима демоқчи эканини билиб қўймоқ раво. Унинг айтганига қарши иш тутсанг тўғри юрган бўласан. Бир доно айтадики, агар бир кимсанинг дўст ёки душманлигини билмоқчи бўлсанг, унга маслаҳат сол, берган маслаҳатининг тўғри ёки нотўғрилигига қара, шундан ҳулоса чиқариб оласан!

● Фаридундундан сўрадилар: «Одамларни ўзингдан узоқлаштирмайсизми?» чораси нима? — У деди: «Чидам ва мулойимлик». Яна ундан: «Мушкул нарсаларни қандай ҳал қилса бўлади?» деб сўрадилар. У яна: «Чидам ва мулойимлик билан!» деб жавоб берди. Бу борада шoirлар шундай дейишади:

*Сўзлашув, мурося билан битажак,
Ҳар қайси масала, ҳар бир қийин иш.
Қалқону тиг билан битмасан ишни,
Юмошқ сўзлик билан мумкин битириш!*

АХУББАРОТ ҚОДИРИЙ.

● ҲИҚМАТ. Дўстларга ҳеч қачон озор берилмайди. Ошнолар эса ҳада ва совғалардан маҳрум этилмайди. Душманлар билан муомала қилинганда эса ақл ва инсоф чегарасидан чиқмаслик керак.

● Аристотелис ниҳоятда қариб ва букчайиб қолганда ҳаётининг гулзорида хазон мавсуми бошланганда ва ўлим элчиси ҳафу хатар солиб турганда мусика илмини ўрганишга киришди. Дўстларидан бири унга: «Гўру кафан ҳақида ўйлаш лозим бўлган бир пайтда танбур чертишдан уялмайсанми?» — деди. Байт:

*Ўқишу ўрганиш ёшларнинг иши,
Кексаларга созу тараб ярашмас!*

Ҳақим унга: «Билмаслик оғир айбдир. Ана шундан уялиш керак», деди.

МУИНИДДИН ЖУВАЙНИЙ.

Азизим, ёмон феъдан юз ўғирмоқ ва ёмон кишилардан узоқ юрмоқ ақли кишилар учун муҳим ишлардан биридир. Ишни яхши йўлга қўйиш ва ниятни ҳамини эзу ишларни бажаришга қаратиш фарosat эгаларининг тутган йўлидир. Демак, ақли киши ақли одамлар билан дўстлик режасини тузиши ва нотон кишилардан узоқ юриши лозим. Чунончи айтдилар:

*Дано билан зиндон ичидир хуррам,
Нодон билан ҳатто бустон жаҳаннам!*

● Азизим, ҳар ким бирор ишнинг талабиди қадам кўйса, бу ишнинг қийинчиликларига чидаш керак. Мақсад қабаси сари йўлга чиққан одам заҳмат саҳрсидан чўчмаслиги лозим.

● Азизим, ғазаб отини сабот жилови билан қайсарлик йўлидан қайтар! Ҳар қандай шубҳа зинистонини ақл нури билан равшан эт! Шунда сен надомат ва пушаймонлик домига мубтало бўлмайсан!

ҲОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ.

● Ғийбат қабиҳ феъллардан биридир. Ғийбат оз бўлса-да, келтирадиган зарари денгиз каби беповён! Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, хотини, хулқи, бойлиги ҳақида бемаза гапларни гапиришнинг барчаси ғийбат ҳисобланади.

● Шошқалоқлик пушаймонликнинг синглисидир.

*Бесабрлик одам бўлса инсонга,
Отган ўқи қетмас асло нишонга!*

ҲАБЛИДДИН АЛ-ҲАСАНИЙ.

● Ҳақимларнинг айтишича, одам ўлдирган, хотинлар атрофида кўп айланадиган, кўрқок ва юраксиз кишилар билан маслаҳатлашиш нораводир.

● Ҳақимлар айтдилар: «Бирор иш ҳақида маслаҳатлашмоқчи бўлсанг битта оқил киши билан маслаҳатлаш, кўпчиликка айтмаган маслаҳатли иш нуқсондан холи бўлмайди. Бир араб олими: «Ақлдан улкан бойлик, нодонликдан катта бахтсизлик ва маслаҳатдан кучли суянчиқ йўқ!» — деган эди.

● Ҳунар ва санъат шундай нарсаки, у кераксиз қолмайди, ишлатмасанг ҳам йўқолиб кетмайди, керак пайтда эса сенга кўмакчи бўлади. Эрақ кишига қирқ ҳунар ҳам оз. Эрақ бўла туриб «Мен буни билмайман» дейиши уятдир.

«Ҳавокиҳ ал-жуласо»дан.

● Сахий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбиди муҳаббатга йўл очган бўлади. Сахий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди: тез тайёрланади-ю аммо узоққа етади. Очқўз одам муҳаббатдан қочган, ўз қалбиди адоватга йўл очган бўлади. Очқўз киши сопол идишга ўхшайди: уни яшаш қийину лекни тез синида.

ЮСУФИЙ.

Араб, турк тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.



Кирик кокиллилов. Равиль Альбеков олган сурат.

Маслаҳатлар

ТАОМГА МАЗА КИРИТАДИ

Уй бекалари, ёш келинлар ва вояга етиб қолган қизларимиз, албатта бўш вақтларида тикши-бичиш ҳамда мазали таом тайёрлашга одатланишган. Улар нафақат байрам кунлари, балки доимо дастурхонага мазали таом тайёрлаб келтиришни одат тусига киритишган. Шундай экан, айрим салат ва таомларнинг хушқўрлигини орттирувчи соуслар тайёрлашни ҳам ўрганиб қўйсангиз зарар қилмайди.

УКРОП ВА СУЮК ҚАЙМОҚ КЎШИЛГАН СОУС.

Бу соусни тайёрлаш учун энг аввало 2 ош қошиқ ўсимлик мойи, тўғралган 3 чой қошиқ ун, 2 стакан сабзавот пишган сув, 1 стакан суюк қаймоқ, укруп, таъмига қараб туз солинади.

Уни тайёрлаш жараёни қуйидагича: ун 1 ош қошиқ ўсимлик мойида бироз қизаргунча қовурилади, сабза-

вот қайнаган сувдан қўшиб қайнатилади. Қаймоқ, 1 ош қошиқ ўсимлик мойи, тўғралган укруп ҳамда таъмига қараб туз солиниб аралаштирилди ва олвога қўйилиб иситилади, лекин қайнатилмайди. Буларнинг ҳаммаси тайёр бўлган хоҳлаган салатнингизга аралаштиришингиз мумкин.

Гулбахор МУМИНОВА тайёрлади.

Дорихонадан ўзига зарур бўлган дори-дармонларни харид қилаётган ўрта ёшлардаги аёлнинг оғзиндан беихтиёр: «Дориларнинг нархи одами чакандия», деган сўзлар чиқиб кетди. Хайрон бўлиб унга тикилидик. Бугунги кунда шахримиз дорихоналарида барча дори-дармонлар бисёр бўлиб турган бир пайтда бу аёлнинг ношукўрлигидан бироз ранжидик ҳам. Лекин «Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб» экан. Качонки, дори харид қилиш навбати ўзимизга етганда аёлнинг гапи маъзани чакқандек бўлди.

Пештахталарни тўдириб турган дори-ларнинг нархи қақиб олгудек қиммат. Беш ампулали церебралезин, бир қути солкосерин, кавинтон учун салкам 20 минг сўм тўладик.

Шу баҳона бизда баъзи дорихоналар иши, уларда сотилаётган маҳсулотларнинг баҳоси билан яқиндан танишиши истагани туғилди. Сафаримиз давомида билдикки, биз юқоридagi дори-ларни энг қиммат нархларда сотиб олган эканмиз. Бошқа дорихоналарда ўша препаратларнинг нархи анча арзон экан. Масалан церебралезини 9 минг 600 сўм, солкосеринни 1500 сўм, кавинтонни 2200 сўмгача харид қилиш мумкин экан. Қарангки, ўртадаги тафовут 6 минг 500 сўмни ташкил этаётган эди. Таваба, бунақа катта фарқни фақат биз эмас, ҳатто сиз ҳам ҳеч қачон қутмаган бўлсангиз керак. Бу ҳусусий дорихоналарда кузатиладиган баҳо. Шаҳар «Дори-дармон» акциядорлик жамиятига қарашли муассасаларда эса ўша дори-ларни ундан ҳам арзонроқ баҳога харид қилиш мумкин.

Ўйланиб қоласан киши. Агар бунга рақобат деб аташ мумкин бўлса, бу рақобатнинг қайси турига қиради? Назаримизда бу ерда арзончиликдан кўра кўпроқ даромад олиш мақсади ётганлигини ҳар бир ақли расо одам яхши тушунади.

Бир танишим: «Олдин ҳар ҳудуднинг ўз ҳаммоми, ўз дўкони бўларди, қадамда сартарошхона хизмат кўрсатарди. Ҳозир уларнинг янгилигини очиб ўқди турсин, ҳатто эскилари ўрнида дорихоналар пайдо бўлаётти. Сабаби ҳар қандай хизмат кўрсатишдан кўра, дорихоналарнинг иши юришиб улар билан шуғулланувчиларнинг ошиғи олчи бўлиб қолган» деганида мен: «Ҳамма учун ҳам дорихона зарур-да. Ойида бирор бир киши бетоб бўлиб қолса биринчи навбатда дорихонага

югурасан. Ахир у ёнгинада бўлса нима-си ёмон» деб уни енган эдим. Энди билсам у ҳақ экан. Дори-дармон савдосида иш кўп экан.

Шундай ноҳуш ҳолатларга чек қўйиш, дори-дармонларни сотишда муайян тартиб ўрнатиш мақсадида шу йил 14 январда Вазирилар Маҳкамаси томонидан маҳсуот қарор қабул қилинди. Шунга кўра дорихоналарда улгуржи савдога чиқариладиган дори-лар учун 20 фоиз, чакана савдога мўлжалланган препаратлар учун эса 25 фоизгача эса устама нарх қўйишга рухсат

ша устама нарх қўямиз», дейишди. Лекин бу гапга ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. Наҳотки ўша мудир битта дори-ни бошқаларга нисбатан бир неча баробар қимматга олаётганини билмаса? Бунинг учун у ё ўз ишидан ўта беҳабар, ёки ўта содда бўлиши керак. Лекин биз суҳбатлашган мудирлар унисига ҳам, бунисига ҳам сира ўхшамайди.

Шу ўринда ҳамманинг тили учидан турган яна бир гапни айтмай иложимиз йўқ. Айтинг-айтинг елиб-югуриб, паст-баланд тушиб харид қилган ноёб дори-ларнингиз

— Келинг, топиб берамиз, — дейишди мутасаддилар.

Бордик. Хуллас ўша дори Чилонзордаги «Носир» дорихонасида бор экан.

— Ўша ердан бундан бир ҳафта бурун 5 ампуласини 9 минг 600 сўмга олган эдим, — деди бу ерга ташриф буюрган танишимиз.

Зарур бўлганидан кейин топасанда. Отликма-яёв борсак, шу доридан бор экан. Лекин нархи бизни ташвишга солди: 14 минг 400 сўм.

— Нега бунақа қиммат, десак ёнимиздаги харидор: «Эй, ака бори гапга шукр қилиб олаверсангизчи» деб қўйди. Тўғри, бори гапга шукр. Лекин кимга? Пули бор одамга. Шунча пули йўққа-чи?

Пулимиз етмай хайрон бўлиб турсак, ёнимизга бир нуруний онахон келди. «Яхшиси бозорга бориңлар, болаларим. Ўша ерда маҳсулотларни дорихонага нисбатан анча арзон сотишади», деб қолди.

Шунақа «дорихона бозори» борлигини ўшанда билибмиз. Онахоннинг гапи тўғри экан: «Қўйлиқ» бозоридан церебралезинни 10 минг сўмга харид қилдик ва таажжубдан ёқа ушладик.

Энди яна бир савол. Нима, бу ҳусусий дорихоналарнинг ишени назорат қилувчи ташкилотлар йўқми? Улар хоҳлаганча иш тутавердиларми? Йўқ, назоратчилар бор. Улар истаганча топилади. Бироқ текширув ўз йўлига. Лекин ишда ўзгариш йўқ. Назаримда «Сендан угина, мендан бутна» қабилдаги бу текширувлардан кимга фойдаю кимга зиён? Агар текширувлар чинакам ҳаққоний бўлганда, эди ишда бир қадар ўзгариш, ҳеч бўлмаса уларнинг шамол сезиларлику.

Ишон саломатлиги олтиндан қиммат, деймиш. Қариларимиз дуога қўл очганда тани сўзга, хопиржамликни тиллашди. Зеро «Халқ соғлиги — юрт бойлиги экан», нега энди биз баъзи ҳаменини ўйлаб иш тутаетган ноинсофларни қилмишини кўра-била туриб уларни тартибга қайра олмаймиш? Ахир ўз ҳаққуқимизни ўзимиз ҳимоя қилмасак, уни ким ҳимоя қилади?

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузаларида таъкидланганларидек: «Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим». Ана шу сўзлар биз учун дастуруламал бўлиб қолгандагина ҳар қандай қингирликларга чек қўйилган бўлади.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

Илгариги мавзуга қайтиб КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛАДИ

этилди. Афсуски ҳали ҳам кўпгина дорихоналарда бу қонун-қондан четлаб ўтиш ҳоллари рўй бермоқда. Бўлмаса бир дорихона билан иккинчисининг ўртасидаги нарх-наво осмон билан ерча фарқ қилмасди.

Келинг, далилларга мурожаат қилайлик. Масалан, биргина пирогетамин олайлик. Қутбиддин Шайхов мудирилик қилаётган «Тагмет» муассасасида унинг нархи 660 сўм, ундан сал нари Тимирязев ва 15-шаҳар касалхонаси бўйлаб кетган кўчалар чорраҳасидаги дорихонада 550 сўм, метронинг «Мустақиллик майдони» бекатидаги дорихонада 480 сўм, «Украина» дўкони ёнидаги дорихонада 450 сўм нарх билан сотилапти. Шунингдек, Кефзол «Тагмет» да 800 сўм, Тимирязев ва 15-шаҳар касалхонаси олдидаги дорихонада 720 сўм, «Новомосковск» дорихонасида 700 сўм, Юнусовда 598 сўм, «Ал-маърифий»нинг 1-шоҳобчасида 550 сўм, «АТН-Фарм» дорихонасида эса 520 сўм туради. Гапнинг лўндаси ҳамма дорихоналардан сал нари бери юрсангиз шунақа ортиқча тафовути сезасиз. Қани бу ерда биз юқорида айтган 20 ёки 25 фоизли устама нархлар. Ҳатто баъзи дори-лардаги фарқлар 40 фоизгача бориб етишини инобатга оладиган бўлсак, бу ҳақда сўз юритишга ҳатто хижолат бўласан киши.

Дорихоналарнинг мудирларидан сўрасанг, уларнинг жавоблари битта: «Биз дори-рини ҳар хил нархда оламиз. Шунга яра-

ўз жойини топсин-да ишқилиб. Унинг акси бўлиб дори-лар беморга малҳам ўрнида ишлатилмасе унда кўринг хонгомани. Бутун ҳаракатингиз зое кетади. Дори га муҳтож организмнинг фаолияти тобора су-саяверади. Гап нимадалигини билмай сизнинг хунобингиз ошаверади. Ўз касби га содиқ, беморларга ғамхўр, меҳр-оқибатли шифокору ҳамшираларни ранжитиб қўймаслик учун гапни янада чуқурлашти-риб ўтирмадик.

Асосий мавзуга қайтайлик. Кузатуви-мизда кўпчилик дорихоналарда касса а-ппаратларининг йўқлиги, чунки унинг устига борларидан ҳам етарли фойдаланилмаёт-ганлигининг шоҳиди бўлди. Баъзи дори-хоналарда маҳсулотларнинг аниқ нархи ёзиб қўйилмаганлиги таажжубланасан.

Шошиб-пишиб турган миждо (шундай бўлиши табиий, чунки унинг уйда ёки шифохонага ўша дори га муҳтож бемор ку-тиб турган бўлади) дорихонага кириб со-тувчидан ўзига керакли дори-ни сўрайди. Сотувчи эса миждонинг мана шу ҳолати-дан фойдаланиб дори га истаганича нарх белгилайди. Ўша дори-ни кўрмаган, унга иши тушмаган харидор мушқули осон бўл-гани га шукр қилиб бор пулини тўлаб бўл-са да, ўша дори-ни олиб кетаверади. Зеро ёнидаги бошқа бир дорихонада шу пре-парат тенг ярмига арзонлигидан у бехабар.

Яқинда церебралезин қилдириб шаҳар «Дори-дармон» акциядорлик жамияти га мурожаат қилдик.

УЗОҚДАГИ БУЛУТ

Америкалик бир гуруҳ астронавтар Пуэрто-Рикадаги Аресито деган жой га ўрнатил-ган улкан радиотелескоп орқали коинот-даги жула катта нейтрал водород булутини кўриб қолди. У ердан тахминан 30 ми-лион ёруғлик йили узоқлигида Арелон юл-дузлар туркуми томонида жойлашган бу-либ, катталли галактикага бараварлашади. Булутдаги во-дород газининг массаси кўёш массасидан миллиард марта катта экан. Унинг теварак қисми секунди га 80 кило-метр тезлик да айланиб туради. Лекин шу-ниси номаълумки, бунчалик тезлик да кан-дай қилиб газ теваракка сочилиб кетмас экан? Тахмин қилишларича, булут мар-кази да массаси булутдан юз марта катта бўл-ган қандайдир кўринмас жисм бўлиши ке-ракки, газ булутини ўзига тортиб турган ана шу жисм.

Маъзур булут ногаҳон топилди. Амери-калик радио-астронавтар бир қанча гала-ктикалар га 21 сантиметр тўлқиндаги харак-терли нуриланиш га қараб водород газини из-лашди. Бу сафар кузатишлар орасидаги танаффус вақти да олимлар телескопни коин-отнинг «бўш» жойи га тўғрилашди. Шунда ўткир бир сигнал қайд этилди. Кейин маъ-лум бўлишича, бу сигнал манбаи юқори да тил га олинган водород булут и экан.

Коинот да бундай булут ягона ми ёки кў-пи, деган савол ҳозир астрономларни ўйлантирмоқ да.



Шахримизнинг Навоий кўчасида.

ОЧИЛМАЙДИГАН ҚУЛФ

Испаниялик 32 ёшли Рудино Фернан-деснинг тасдиқлашича, у ҳеч ким очол-майди га мўъжизани — қулф ихтиро қил-ган. Бу қулф ўта мураккаб электрон ку-рилмалар билан таъминланган бўлиб, ке-ракли рақамлар терилгандагина очилади. У 4,3 миллион та сондан иборатлир. Бу керакли рақамни топиш учун ҳаммасини на-вбатма-навбат санаб кўриши га узлуксиз 136 йил вақт керак бўлади.

БЕШ МИНГ ЙИЛЛИК ШАХТА

Польшанинг Свентокши тоғлари да неолит даври га доир шахта бор. У 1922 йил да топилган бўлиб, ҳозир да бу жой кон иш-лари музейи га айланган. Бу ердаги юмуш-лар бундан беш миңг йиллар муқаддам бош-ланган. Ушанда аждолларимиз тошдан тур-ли хил қуроллар ясаган. Улар ясаган тош-болта билан чириган дарахтларни ағдарил-ган. Хўш, қўла ясалган бу тошболтанинг қуввати қандай бўлган? Бу савол га жавоб тариқаси да олиб борилган тажиба шуни кўрсатдики, йўғонлиги 30 сантиметр бўл-ган дарахтни ана шу тошболта билан 15 минут да кесиш мумкин экан.

Шахноза ИНОФОВОГА тайёрлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎБОНЛАР

ОЛДИНГИЗДА ИШГА ЖОЙЛАШИШ МУАММОСИ ТУРИБДИМИ?

Марҳамат, ёрдам беришимиз мумкин. Мировод тумани меҳнат органи томонидан 6 май соат 9.00 дан 15.00 гача бўш иш жойлари ва вакант лавозимлар ЯРМАРКАСИ ўтказилади. Сиз бу ярмарка да иштирок этсангиз шаҳримиз да истаган корхона, ташкилотлар даги мавжуд бўш иш ўринлари ва вакант лавозимларнинг эгаси бўлишингиз мумкин. Ярмарка Темрийўлчилар маданият саройи да бўлади. Транспортлар: автобуслар — 2, 12, 16, 60, 80. Трамвайлар — 1, 4, 5, 9, 25.

Очқ турдаги 2-Тошкент УЖҚК ОТАЖ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2-Тошкент уйжойқурилиш комбинати акционерлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 1999 йил 28 май куни соат 16.00 да жамиятнинг мажлислар зали да ўтказилишини маълум қилади. КУН ТАРТИБИ: 1. 2-ТУҚК АЖнинг 1998 йилдаги фаолияти ҳа-қида ҳисобот ва 1999 йилдаги вазифалари тў-риси да. 2. Тафтиш комиссиясининг 1998 йилдаги фао-лияти буйича ҳисобот. 3. 2-ТУҚК АЖ 1998 йилги аудиторлик текши-рув натижаларини тасдиқлаш. 4. АЖ қоидаларига ўзгаришлар киритиш. 5. Бошқарув хайъати таркиби ўзгаришини тас-диқлаш. Акциядорларни рўйхат га олиш соат 15.00 дан бошланади. Манзил: Курувчилар кўчаси, 29-уй. Тел: 98-70-01, 90-43-15. Кузатов кенгаши.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усули да босилади. Қоғоз бичими А-2.

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлар даги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси» га — 133-74-05 телефони га мурожаат қилишингиз мумкин. Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.